

ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ БУЙИЧА ФОТО ХИСОБОТ

“ДУНЁНИ ЁРҚИНРОҚ КЎРИНГ”

2017 йил ноябр ойида “POSCO DAEWOO” корпорацияси, “VISION CARE” Корея ташкилоти, ва “SOG’LOM AVLOD UCHUN” нодавлат ташкилоти томонидан хайрия акцияси ўтказилиши тугрисида маълум қилинган эди.

Ўтказилиш жойи: Фарғона шаҳар, Вилоят Куз касалликлари шифохонаси.

Муддати: 13-17.11.2017 йил (Фарғона).

Лойиха мазмуни: Фарғона шаҳри ва Фарғона вилояти туманларида яшовчилар учун хайрия асосида куз касалликларини диагностика қилиш ва офталмологик жаррохлик амалиётини ўтказиш.

«ДЭУ Текстил» нинг барча фабрикалари ходимлари ва уларнинг яқинларига, кўз катарактасини жаррохлик йўли билан бартараф этиш бўйича ўтказиладиган хайрия акцияси ҳақида эълонлар берилган эди.

Шунингдек жорий йилдаги хайрия акциясига, ўтган йилда кўз катарктаси ташхиси қўйилган лекин жаррохлик операцияси ўтказилмаган беморлар ҳам таклиф этилди (37 киши).



13-17.11.2017 йил

ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТНАЯ ОФТАЛЬМОЛОГИЧЕСКАЯ БОЛЬНИЦА

«ВИДЕТЬ МИР ЯРЧЕ»

ГУМАНИТАРНЫЕ ОФТАЛЬМОЛОГИЧЕСКИЕ ОПЕРАЦИИ

VISION CARE SERVICE
Share Sight, Share Hope

POSCO DAEWOO

THE CENTER FOR THE NEAR SIGHTED

13.11.2017 йил Фарғонага корейнинг “VISION CARE” ташкилотидан 18 нафар шифокор ва кўнгиллилар делегацияси, ҳамда 2 нафар “SOG’LOM AVLOD UCHUN” нодавлат ташкилоти ходимлари билан биргаликда етиб келдилар.

Хайрия акциясини ўтказиш, диагностика ва жаррохлик амалиётларини амалга ошириш учун шифокорлар жамоаси энг замонавий медицина жихозларини ва дори дармонларни олиб келишди.

5 кун давом этган хайрия акциясида, касалхонада “Daewoo Textile” хорижий корхонасининг 17 нафар ходимлари кўнгиллик сифатида иштирок этишди. Кўнгилликлар вазифаларига қуйидагилар кирди:

- Хайрия акциясини ташкиллаш жараёни;
- Беморлар навбатидаги тартибни сақлаш, беморлар рўйхатини тузишда кўмаклашиш;
- Шифокорлар ва беморлар ўртасидаги суҳбатни таржима қилиш, диагностика жараёнида ва жаррохлик амалиётидан кейин беморларга ёрдам, беморларга дориларни қўлланилишини тушунтириша;
- Шифокорлар жамоасини озиқ – овқат билан таъминлаш, шу билан бирга навбатда турган беморларга ва уларнинг яқинларига сув тарқатиш.

“Daewoo Textile” Корхонасининг Маъмурий ва Молиявий ишлар бўйича директори жаноб Сон Вон Кёнг бутун акция жараёнини назорат қилиб турди. Корхона президенти жаноб Ким Ил У ҳам ушбу хайрия акциясида фаол иштирок этди.




Республика ва вилоят телерадиоканалларида ушбу хайрия лойихаси хақида батафсил дастурлар тайёрланиб намоиш этилди, ҳамда хорижий мутахасислардан интервью олинди.



ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ НАТИЖАЛАРИ:

4 кун давомида “VISION CARE” шифокорлари 965 дан ортиқ беморларни текширувдан ўтказишди (кўпчиликка кўз нуруни химоялаш учун дори дармонлар ва кўзойнаклар ёзиб берилди ва тарқатилди) ва катарактани олиб ташлаш ҳамда кўз гавхарини алмаштириш бўйича 174 та жаррохлик амалиётлари ўтказилди.



Хайрия акцияни охириги кунда, якунлар бўйича умумий йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш охирида, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, “Sog’lom Avlod Uchun”, Фарғона Вилоят Кўз касалликлари касалхонаси ва “Daewoo Textile” вакилларига кўрастилган ёрдам ва кумак учун “Vision Care” ташкилоти томонидан Ташаккурномалар тақдим этилди.



Жаррохлик амалиётлари сўнггида беморлар, бепул даволаниш имконияти ва кўз нурларини қайтарилганлиги учун ташриф буюрган шифокорлар жамоасига ҳамда кўнгиллик сифатида қатнашган ишчи ходимларга миннатдорчиликларини изхор этишди. Миннатдорчилик сифатида Кореялик шифокорлар ва ташкилотчиларга ҳамда “Daewoo Textile” ташкилоти томонидан эсдалик совғалар тақдим этилди.

